

## КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШДА ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

*Артиқов Баходиржон Махкамович*

*“University of economics and pedagogy” NOTM*

*Иқтисодиёт кафедраси асистенти, Андижон*

**Аннотация.** Мақола корхоналар фаолиятини ривожлантиришда иқтисодий таҳлилнинг вазифаларига бағишланган. Мақолада, корхоналар фаолиятини ривожлантиришда иқтисодий таҳлил мазмуни ва вазифалари қандай аҳамиятга эга эканлиги очиб берилган. Иқтисодий таҳлил нима? У корхона фаолиятини ривожлантиришда қандай аҳамият касб этади? Иқтисодий таҳлилнинг вазифалари нималардан иборат? Каби саволларга жавоблар берилган.

**Калит сўзлар:** бошқарув тизими, иқтисодий механизм, эркин бошқариш, ички ва ташқи имкониятлар, бизнес-режа, омиллар, ички хўжалик резервлари, таҳлил материаллари, бухгалтерия ҳисоби, бошқарув қарорлари.

**Аннотация.** Статья посвящена задачам экономического анализа в развитии предприятий. В статье раскрывается значение содержания и задач экономического анализа в развитии предприятий. Что такое экономический анализ? Какое значение он имеет в развитии предпринимательской деятельности? Какие задачи решает экономический анализ? Ответы на такие вопросы.

**Ключевые слова:** система управления, экономический механизм, свободный менеджмент, внутренние и внешние возможности, бизнес-план, факторы, внутренние резервы, аналитические материалы, бухгалтерский учет, управленческие решения.

**Abstract.** The article is devoted to the tasks of economic analysis in the development of enterprises. The article reveals the importance of the content and tasks of economic analysis in the development of enterprises. What is economic analysis? What importance does it have in the development of enterprise activity? What are the tasks of economic analysis? Answers to questions like.

**Keywords:** management system, economic mechanism, free management, internal and external opportunities, business plan, factors, domestic reserves, analytical materials, accounting, management decisions.

Иқтисодиётини рақамлаштириш шароитида корхоналар фаолиятини ривожлантиришда иқтисодий таҳлилнинг роли кескин ошмоқда, чунки, корхона фаолиятини ривожлантириш бошқарув тизимида боғлиқ бўлиб, бошқарув тизимида олдинги маъмурий-буйруқбозлик тизимидан воз кечилиб, янги, эркин иқтисодий механизмлар орқали бошқариш тизими шаклланимоқда. Режали

иқтисодиётда таҳлил асосан режа кўрсаткичларини асослашга, унинг бажарилишини таъминлашга қаратилган бўлса, эркин иқтисодиёт шароитида эса ҳар бир хўжалик субъекти, мулк шаклидан қатъий назар ўз фаолиятини юқоридан берилган буйруқни бажаришга қаратмасдан, балки, мустақил равишда ўзининг иқтисодий қудратини такомиллаштириш мақсадида эркин бошқаришга қаратади. Бу эса ўз навбатида иқтисодий таҳлилнинг ролини янада оширади.

Иқтисодчи олимларнинг фикрича: — Иқтисодий таҳлил орқали ҳар бир субъектда мавжуд бўлган ички ва ташқи имкониятлар аниқланади, уларни амалиётга сафарбар қилиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилади<sup>1</sup>. Бу дегани мавжуд имкониятлар ўрганилиб, амалда уларнинг қанча қисмидан фойдаланилганлиги таҳлил қилинади. Бу орқали фойдаланилмай қолинган ички имкониятлар аниқланади. Бунинг натижасида эса қўшимча маблағ сарифламаган ҳолда фойдаланилмай турган ички имкониятлардан фойдаланиб корхонани ривожлантириш имкониятлари яратилади. Фаолиятимизни таҳлил қилмаслик эса мавжуд имкониятларимиздан тўлақонли фойдаланилмаслигига олиб келади. Масалан, “Гўзал либослар” МЧЖ томонидан бир дона эркаклар кўйлаги ишлаб чиқариш учун 100 см мато сарфланмоқда. Ўтказилган таҳлиллар натижасида 100 см матонинг 90 см кўйлак учун 10 см мато чиқиндига сарфланаётганлиги маълум бўлди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки матолардан самарали фойдаланиш ва тикилаётган кўйлақлар размерларини тўғри тақсимлаш натижасида ҳар бир кўйлақдан сарифланаётган 10 смли чиқиндиларни 2 смга тушуриш имконияти мавжуд. Бунинг натижасида ҳар бир кўйлақдан 8 см мато тежаб қолиш имкониятлари аниқланди. Бир кунда МЧЖда 100 дона кўйлак тикилишини ҳисобга олсак бир кунда  $100 \cdot 8 = 800$  см, бир ойда  $800 \cdot 30 = 2400$  см матони ортиқча сарфланиши олдини олиниши ёки  $2400 / 90 = 26$  дона қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти яратилади.

Иқтисодий таҳлилнинг энг муҳим вазифалари қуйидагилардан иборат:

- бизнес-режанинг қанчалик реаллиги (мавжудлиги) ва илмий жиҳатдан асосланганлигига баҳо бериш;
- иқтисодиётни ривожлантиришнинг жорий ва истиқбол режаларини тузиш учун иқтисодий кўрсаткичлар базасини аниқлаш;
- бизнес-режасининг бажарилишига объектив баҳо бериш ҳамда уни бажаришда корхоналарга боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган омиллар ва сабабларни бир-биридан ажратиб аниқлаш;
- ички хўжалик резервларини аниқлаш (бу ўринда таҳлилнинг самараси, биринчидан, аниқланган резервларни бутун назарий жиҳатдан асосланган резервларга нисбати ва иккинчидан, амалга оширилган

<sup>1</sup> Шоалимов А.Х., Илхомов Ш. И. Тожибоева Ш.А. Иқтисодий таҳлил ва аудит. Дарслик. –Т.: Иқтисодиёт, 2016.

резервларнинг аниқланган резервларга нисбати билан белгиланади);

- корхоналарнинг хўжалик фаолиятида кутиладиган натижаларни олдиндан аниқлаш;

- таҳлил материалларига асосан ишлаб чиқаришда аниқланган камчиликларни тузатишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш.

Эркин иқтисодиёти шароитида «Иқтисодий таҳлил»нинг вазифаси ушбу юқорида таъкидланган вазифалар билан чекланмайди. Бозор шароитида корхоналар фаолияти шу даражада серқирраки, таҳлил жараёнида унинг ҳамма жиҳатларини ўрганиш лозим бўлади. Шу сабабли ҳам, иқтисодий таҳлилнинг вазифаси ҳам кўп қирралидир. Биз эса шу каби вазифаларнинг айримларини санаб ўтдик холос.

Кўриниб турибдики, иқтисодий таҳлилнинг вазифаси бозор муносабатлари эркинлашаётган бугунги шароитда ҳам, келажакда ҳам корхоналар хўжалик фаолиятини узлуксиз яхшилаб бориши учун иқтисодий дастак сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлади. Чунки, корхона фаолиятини доимий равишда таҳлил қилиб борилиши бизнес режани тўғри тузилганлиги ва уни амалда бажарилиши устидан назорат олиб бориш, корхона фаолиятини ривожлантиришни жорий ва истиқбол режаларини белгилаш, ички хўжалик резервларини аниқлаш ва уларни корхона фаолиятини ривожлантиришга йўналтириш, фаолият самарадорлигини натижаларини ўрганиб бориш ва таҳлил материалларига асосан ишлаб чиқаришда аниқланган камчиликларни бартараф қилишга қаратилган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ҳамда бажарилиши устидан назорат олиб бориш имкониятини яратади.

Иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, фан-техника тараққиётини яна ҳам жадаллаштириш, ишлаб чиқариш салоҳиятидан, имкониятидан оқилона фойдаланиш, ресурсларнинг ҳамма турларини ҳар томонлама тежаш ва ишлаб чиқаришни бошқариш мамлакатимиз иқтисодий стратегиясининг энг муҳим таркибий қисмидир. Бу муҳим вазифаларни бажариш учун корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини чуқур таҳлил қилиш керак бўлади.

Иқтисодий таҳлилнинг мазмуни энг аввало унинг бошқа тизимида бажарадиган функцияларидан келиб чиқади. Ана шундай функцияларидан бири иқтисодий қонунларни таъсири характерини ўрганиш, аниқ корхона шароитида иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар қонуниятлари ва тенденцияларини белгилаш ҳисобланади.

Турли мулкчиликка асосланган иқтисодиёт бозор муносабатларининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Унинг субъектлари бўлган корхоналар, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи бошқа шахслар мулкнинг эгаси ва тасарруф этувчиси сифатида маблағлардан тўғри фойдаланишдан манфаатдордирлар. Бу эса содир бўлаётган хўжалик жараёнлари ва

ходисаларини даврий кузатишни, фаолият натижавийлигини батафсил ўрганишни ҳамда уларни иқтисодий таҳлил қилишни талаб этади.

Шу жиҳатдан корхона фаолиятини бошқаришнинг муҳим воситаси ва қуроли бўлган иқтисодий таҳлил ўта аҳамиятли ҳисобланади

Иқтисодчи олимлар томонидан иқтисодий таҳлил корхонани бошқаришни муҳим функцияларидан бири сифатида қуйидагиларга ёрдам бериши кўрсатилган<sup>2</sup>:

а) бошқарув қарорларини илмий асосланиши таъминланади;

б) мулк ва маблағлардан фойдаланишнинг муқобиллик шартларини белгилайди ва бошқарувчи улар қаторидан ўзи учун мақбул бўлган оптимал вариантларни танлайди;

в) истиқболли бошқариш учун замин тайёрлайди.

Ишлаб чиқаришни бошқариш жараёнида уч босқични кўрсатиш мумкин:

1. Ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш ва тайёрлаш.

2. Объектнинг ҳолатини иқтисодий таҳлил қилиш ва таҳлил натижалари асосида таклифлар киритиш.

3. Оптимал бошқарув қарорларини қабул этиш.

Қабул қилинган қарорларнинг самараси ва сифати таҳлилнинг ўз вақтида ҳамда тезкор тарзда ўтказилганлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бу ерда асосий вазифа айнан шу уч босқични бир-бири билан узвий равишда боғлаш ҳисобланади.

Белгиланган режаларнинг амалда қандай бажарилаётгани ёки ишлаб чиқаришни бориши тўғрисида реал аҳволни бухгалтерия ҳисоби ёрдамида ўрганилади. Бухгалтерия ҳисобида шаклланган маълумотлар пировард натижада бошқарув эҳтиёжлари учун ишлатилади. Бошқарув қарорлари эса таҳлил маълумотларига асосланади. Демак, иқтисодий таҳлил режа, бозордаги аҳвол ва бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида объектдаги ўзгаришни миқдор ва сифат жиҳатдан ўрганади ҳамда баҳо беради. Унинг ёрдамида йўл қўйилган камчиликлар топилади ҳамда тугатилади, объектни янада ривожлантириш йўллари белгиланади ёки самарали ишлашни таъминлайдиган йўналишга ўтказилади. Бу эса, бошқарув қарорларини нечоғлиқ реал қабул қилинишига асос бўлади.

Демак, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотлар ҳам иқтисодий таҳлил воситасида қайта ишланар экан. Бу билан иқтисодий таҳлилнинг бошқарув фаолиятидаги ўрни янада яққолроқ кўринади.


Ҳисоб ва иқтисодий таҳлил хўжалиқни бошқаришда асосий восита

<sup>2</sup> Ишонкулов Н.Ф. ва бошқалар. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик. –Т.: Саностандарт, 2014. -34 б.

бўлиши керак. Бинобарин, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни ва натижалари кундалик ҳисоб ва ҳисоботда ўз аксини топади. Демак, иқтисодий таҳлил корхоналар фаолиятини назорат қилишда, хўжалик ҳисобини мустаҳкамлашда, иқтисодий тежамни ўқизишда, техника тараққиётини жадаллаштиришда, илғор тажрибаларни тарқатишга, иш фаолиятида мавжуд бўлган камчиликларга барҳам беришда ва ички хўжалик резервларини аниқлашда муҳим восита сифатида қўлланилади. Иқтисодий таҳлил ўз мазмуни жиҳатидан турличадир. Таҳлил корхона ва унинг бўлинмалари фаолиятининг ҳамма томонларини ўз ичига олган умумий ҳамда ишнинг қандайдир бирор томони ёки корхонанинг бир неча бўғинларини ўз ичига олган танланма (тематик) бўлади.

Шунингдек, йирик масалаларга бағишланган, корхонанинг кундалик ишини ўрганишга ва ички имкониятларини топишга қаратилган тезкор таҳлил бўлади. Қабул қилинадиган қарорларнинг характериға қараб, таҳлил куйидагиларға бўлинади: дастлабки, тезкор, якуний ва истикболли. Таҳлил ўтказиш муддатлари (ҳар куни, бир ойда ва бир йилда) ёки зарур бўлишиға қараб аҳён-аҳёнда олиб борилиши мумкин.

Иқтисодий таҳлил ўтказишнинг босқичларини 1-расмда кўриш мумкин.



1.2-расм. Иқтисодий таҳлил ўтказиш босқичлари<sup>3</sup>

Шуни айтиш керакки, корхоналар фаолиятини таҳлил қилиш корхоналар томонидан олиб борилаётган иқтисодий жараёнларни (ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизмат кўрсатиш) самарадорлигига баҳо бериш имкониятини яратади. Корхона фаолияти доимий равишда таҳлил қилиб борилмас экан бугунги эркин иқтисодиёт шароитида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни имконияти бўлмайди. Чунки, ҳар бир амалға оширилган ортиқча харажат маҳсулот таннархини кўтарилишиға сабаб бўлади. Бу маҳсулотни

<sup>3</sup> Шоалимов А.Х., Тожибоева Ш.А. Иқтисодий таҳлил назарияси. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2012. – 30 бет.

сотиш баҳосини ортиб кетишига олиб келади. Бозорда асосий рақобат нарх бўйича бўлишини ҳисобга олсак, юозорт нархидан қиммат бўлган маҳсулотни сотиш имконияти бўлмайди.

Бозор иқтисодиётини эркинлаштириш кўп жиҳатдан ишлаб чиқаришни бошқаришни муттасил такомиллаштириш, моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш, ички хўжалик режасини тузиш ва уни такомиллаштириш, корхоналар ва халқ хўжалигининг барча тармоқларида бир бутун иқтисодий сиёсат олиб боришни тақозо этади.

Демак, ҳисоб ва иқтисодий таҳлил хўжаликни бошқаришда асосий восита бўлиши керак. Бинобарин, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни ва натижалари кундалик ҳисоб ва ҳисоботда ўз аксинитопади. Бу ўринда корхоналарнинг иш фаолияти тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари хўжаликни бошқаришда муҳим восита бўлиб хизмат қилади, халқ хўжалиги истиқбол режаларини тузиш учун ва корхоналарнинг хўжалик ва молиявий фаолиятини таҳлил қилиш учун ҳар томонлама асосланган ва аниқмаълумотлар билан таъминлайди. Иқтисодий таҳлил корхоналар фаолиятини назорат қилишда, хўжалик ҳисобини мустаҳкамлашда, иқтисодий тежамни ўтказишда, техника тараққиётини жадаллаштиришда, илғор тажрибаларни тарқатишга, иш фаолиятида мавжуд бўлган камчиликларга барҳам беришда ва ички хўжалик резервларини аниқлашда муҳим восита сифатида қўлланилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, корхоналар фаолиятини ривожлантиришда иқтисодий таҳлил муҳим вазифаларни бажаради. Жумладан, таҳлил олиб бориш натижасида бизнес-режанинг қанчалик ҳаётий эканлиги ўрганилади ва илмий жиҳатдан асосланганлигига баҳо бериш имконияти яратилади. Бу корхона фаолиятини ривожлантиришга имконият яратиб, келажак ишларни режалаштиришда олдинги бизнес режада йўл қўйилган камчиликларни такрорламаслик имкониятини беради. Бундан ташқари бизнес режани илмий жиҳатдан асосланганлигига эришилади.

Корхонани иқтисодий жиҳатдан таҳлил қилиш, корхона иқтисодиётини ривожлантиришнинг жорий ва истиқбол режаларини тузиш учун иқтисодий кўрсаткичлар базасини аниқлаш имконини беради. Бу ўз навбатида корхона маблағларидан самарали фойдаланиш имкониятларини очиб беради. Яъни жорий режада бугунги кунда мавжуд маблағлардан самарали фойдаланиш режаси ишлаб чиқилса, истиқбол режада корхонага келажакда маблағ жалб қилиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, бу орқали корхонани ривожлантириш истиқболлини белгилаш мумкин бўлади.

Бизнес-режасининг бажарилишига объектив баҳо бериш ҳамда уни бажаришда корхоналарга боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган омиллар ва сабабларни бир-биридан ажратиб аниқлаш ҳам корхона фаолиятини ривожлантиришга

таъсир қилаётган омиллар таҳлилини олиб бориш ва бу орқали корхона фаолиятини ривожлантириш истиқболларини белгилаш учун хизмат қилади.

Ички хўжалик резервларини аниқлаш орқали эса юқорида таҳлил қилиб ўтканимиздек, ички имкониятлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш орқали, ортиқча харажатларни иқтисод қилган ҳолда, ишлаб чиқаришни кўпайтириш яъни корхона фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

Корхоналарнинг хўжалик фаолиятида кутиладиган натижаларни олдиндан аниқлаш эса бозорга кириб бора олиш имкониятини баҳолашга хизмат қилади. Бу билан ушбу фаолият тури ёки ушбу турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш мақсадга мувофиқми ёки йўқми каби саволларга жавоб олиш мумкин бўлади. Бу эса келажак истиқбол режани тўғри белгилаш орқали корхона фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

Таҳлил материалларига асосан эса ишлаб чиқаришда аниқланган камчиликларни тuzатишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва бу тадбирларни амалга ошириш орқали корхона фаолиятини ривожлантиришни янги босқичларига олиб чиқиш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш, экспортбоп маҳсулот яратиш, ички бозорни сифатли ва миллий маҳсулот билан бойитиш, кўшимча иш ўринларини яратиш имконини беради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар руйхати.**

1. Шоалимов А.Х., Илхамов Ш.И., Тожибоева Ш.А. Иқтисодий таҳлил ва аудит. Дарслик. – Т.: Сано-Стандарт нашриёти, 2017.
2. Шоалимов А.Х. Тожибоева Ш.А. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик. –Т.: Иқтисодиёт, 2019. -235 б.
3. Б.Хасанов, М.Рахимовларнинг умумий таҳрири остида. Молиявий таҳлил. Дарслик. –Т.: –Иқтисодиёт|| 2019. -736 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-Т.:Ўзбекистон, 2019.- 46 б.
5. Ваҳабов А.В. ва бошқалар. Молиявий ва бошқарув таҳлили. Дарслик. –Т.: Иқтисод-молия, 2013. - 600 б.
6. Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма. –Т.: ПринтЛине-групп, 2017. -396 б.
7. Муйдинов Б.Н. Иқтисодий таҳлил ва аудит. Ўқув қўлланма. -А.: Step by step print, 2023. -172 б.